



Саидаҳмадхон ҒАЙБУЛЛАЕВ,

Ўзбекистон халқаро ислом
академияси магистранти

АБУ БАКР КОСОНИЙНИНГ «БАДОИЪ АС-САНОИЪ» АСАРИ ҲАНАФИЙ ФИҚҲИГА ОИД МУҲИМ МАНБА

Мусулмон ренессанси, яъни илмий-маърифий уйғониш даврига асос солган улуғ аждодларимиз яратган ва бугунги кунда ҳам маърифатли дунёни ҳайратга солиб келаётган илмий меросни ўрганиш, улар бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, улар яратган илмий йўналишлар ва мактаблар анъаналарини давом эттириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан.

Йирик ҳанафий фақиҳи, муҳаддис ва усул олими Алоуддин Абу Бакр Косоний (вафоти 587/1191 йил) дунёга машҳур шахс сифатида танилган. Олимнинг шоҳ асари «Бадоиъ ас-саноиъ фи тартиб аш-шароиъ» (Шариат қонунларини тартиблашда гўзал санъатлар) ислом фиқҳида мўътабар манба ҳисобланган.

«Бадоиъ ас-саноиъ» китоби шаръий масалаларни тартиблаш ва метод жиҳатдан ёритишда мумтоз ҳанафий фиқҳ китоблари орасида муҳим ўрин тутади. Шунингдек, асар ислом ҳуқуқидаги ҳукмларни тартиблаб чиққан илк ҳамда мўътабар манба сифатида ҳозирга қадар эътироф этиб келинади. Жумладан, Ҳожи Халифа «Кашфуз-зунун» номли асарида Алоуддин Самарқандийнинг «Тухфатул-фуқаҳо» асари ҳақида шундай дейди: «Унинг талабаси Абу Бакр Косоний Ҳанафий (в. 587/1191 й.) «Тухфа»га уч жилддан иборат бемисл ва улкан шарҳ

битган бўлиб, уни «Бадоиъ ас-саноиъ фи тартиб аш-шароиъ» деб номлаган». Ҳожи Халифа фикрини давом эттириб, бу асарни ҳанафий мазҳаби китоблари ичида бемисл ва нодир манба сифатида баҳолайди.

Китоб муқаддимасида муаллиф уни ёзишдан кўзлаган асосий мақсади ҳақида шундай дейди: «Машойихлар шаръий ҳукмларни тартибга солишга кўп ҳам эътибор қаратмадилар. Фақатгина устозим бунга аҳамият берган, холос. Асарни ёзишдан мақсадим – барча илмларда бўлганидек – кўзланган мақсадга етишиш йўлларини осонлаштириш. Бунга шаръий ҳукмларни маҳорат билан тартибга солиш орқали эришилади. Мазкур ишда ҳам шаръий масалаларни усталик билан, маҳорат эгаларини мамнун қиладиган даражада тартиблаш ва таҳлил қилиш кўзда тутилган».

Демак, Имом Косоний маълумотларни ўрганиш ва тушуниш йўлларини осонлаштириш ҳамда билимни амалиётда қўллаш доирасини кенгайтиришни кўзлаган эди. Бу эса ўз ўрнида турли хил билимларни умумий қоида ва асосларга таянган ҳолда жамлаш ва уларга тартиб беришни тақозо этади. Аввалги олимларнинг бу жиҳатга кўп эътибор бермаганларини кузатган Косоний устози Алоуддин Самарқандийнинг изидан юриб, ўз асарида ушбу муҳим вазифани амалга

оширишга ҳаракат қилган. Амалда ҳам «Бадоиъ ас-саноиъ» юқоридаги мақсадни тўла ўзида қамраб олади.

Фикримизни шарқшунос олим В. Маделунгнинг куйидаги сўзи ҳам тасдиқлайди: «Асар ҳанафий фикҳи китоблари орасида ҳозиргача ҳеч қайси асар ета олмаган маҳорат намунасидир (a master-piece of a quality which was never reached subsequently in Hanafi legal literature)».

Аллома асарда ҳар бир мавзу бошида умумий режа беради ва масалаларни режа асосида тизимли таҳлил қилади. Масалаларни уларга асос қилиб олинган ақлий ва нақлий далиллар билан бойитади ва турли қарашларни шу нуқта атрофида таҳлил қилади. Бунда муаллиф аввал ҳанафий мазҳаби усул-қоидаларига кўра қувватли бўлган ва ўзи маъқул кўрган бир қавл (масалага жавоб)ни беради, ундан кейин бошқа фикрларни ҳам келтириб ўтади. Имом Косоний далилларни баҳс қилишда аввал мухалиф томон берган жавобларни баён қилишдан бошлайди, кейин ўзи асосий ҳисоблаган фикрнинг далилларини баён қилади. Абу Ҳанифа ва унинг шогирдлари билан бир қаторда кейинги буюк ҳанафий олимларнинг қарашларига ҳам тўхталиб ўтади.

Шунингдек, асарда кўпинча Имом Шофеъий ва баъзан Имом Моликнинг қарашларига мурожаат қилинади. Фикр ва далилларнинг берилиш тартиби ҳамда Имом Шофеъий ва Имом Моликнинг қарашларига назар солишда Косонийнинг услубига ундан кейин яшган замондоши Бурҳониддин Марғинонийнинг «ал-Ҳидоя» асаридаги услуби яқинроқдир. Бошқача қилиб айтганда, Бурҳониддин Марғиноний «ал-Ҳидоя»да Косонийнинг «Бадоиъ ас-саноиъ»даги услубига эргашгани эҳтимол.

Косонийнинг таржимаи ҳоли билан шуғулланган олимлар «Бадоиъиус-саноиъ» асарини муаллифнинг устози Самарқандийнинг «Тухфатул-фуқаҳо» аса-

ри шарҳи деб ҳисоблайдилар. Тарихчи олимларнинг бу фикрлари халқ орасида тарқалган **«Устозининг «Тухфа»сини шарҳлаб, қизига уйланиб олди»**, деган гапдан келиб чиққан бўлса керак. Ҳақиқатан ҳам, Косоний асарини устозига тақдим қилганида, асар устозига маъқул бўлган ва китобни маҳр ўрнида кўриб, олима қизи Фотимани унга ниқоҳлаб бергани манбаларда қайд этилган.


Аслида, «Бадоиъ ас-саноиъ» нафақат тузилишида, балки мавзулари билан ҳам ундан аввал ёзилган мумтоз шарҳлардан буткул фарқ қилади. Шунингдек, икки китобнинг ёзилиш тартиби ҳам турлича. Бу кузатувдан келиб чиқиб, шарқшунос олим Отто Шпиз асарни «Тухфатул-фуқаҳо»нинг шарҳи дейишини нотўғри ва муаллифга нисбатан ҳақсизлик, деб ҳисоблайди.

1958 – 1959 йилларда «Тухфатул-фуқаҳо»нинг танқидий нашрини амалга оширган доктор Муҳаммад Заки Абдулбар Косоний «Тухфатул-фуқаҳо»даги маълумотларни айна (бир хил) сўзлар билан «Бадоиъ ас-саноиъ»да ифодалани, бу билан «Тухфатул-фуқаҳо»нинг айна матнини қолдирганини асослаб, бу нуқтаи назардан шарҳ ҳисобланиши мумкинлигини айтади.

Тадқиқотчи Heffening (Ҳефенинг) «У «Тухфа»нинг шарҳи эмас, балки унга тақлидий тасниф» деган хулосаси юқоридаги икки фикрни ҳам қўллаб-қувватлайди.

Бизнингча ҳам асарни «Тухфа»нинг шарҳи дейиш нотўғри ва унинг муаллифига нисбатан ноҳақликдир. Боиси, «Бадоиъ» тузилиши ва ичидаги маълумотлари жиҳатидан шарҳга ўхшамайди. Юқори даражада тизимли равишда тасниф қилинган бу асар услуб жиҳатидан «Тухфа»га эргашгани билан бир қаторда, мавзуларни ёритишда «Тухфа»дан анча илгарилаб кетган. Бундан ташқари, Косоний асар муқаддимасида услуб жиҳатидан устозига эргашганини бил-





дирган, лекин асарнинг ҳеч бир жойида уни «Тухфа»га шарҳ эканини айтмаган. Бинобарин, асарни «Тухфатул-фуқаҳо» билан солиштирган киши Косоний фикҳий масала ва ҳукмларни барчага маълум услуб, яъни аввал «Тухфа»нинг матнини келтириб, сўнг уни шарҳлашга киришмагани, балки асарни ўзининг давригача ҳали қўлланилмаган янги услубда ёритганини кўриши мумкин.

Ҳанафий ҳуқуқ адабиётида мазкур асардан хоҳ аввал, хоҳ кейин бу мавзуда ундан ўтадиган асар бўлмаганидек, бошқа машҳур ҳанафий китобларига ёзилгани каби бирор шарҳ, ҳошия ва иловалар ёзилмаган. Бунинг асосий сабаби, асар фикҳий масалаларни аниқ-равшан, илмий ва тартибли равишда ёритиб бергани бўлса керак. Шу кунга қадар асарга ягона мухтасар бир шарҳ мавжудлиги аниқланган. Ушбу шарҳ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Муҳаммад Радикий Хусайнийнинг «*Задул-ғарибуд-дайи мин Бадоиъ ас-саноиъ фи тартибиш-шароиъ*» номли асари бўлиб, у 925/1519 йилда ёзилган. Бу шарҳнинг биргина қўлёзма нусхаси Сулаймония кутубхонасида сақланади ва ҳали нашр этилмаган. Шунингдек, Котиб Чалабий Шоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абус-Суъуд Манастирийга тегишли «*Мужаррад ал-Бадоиъ ва мулаххас аш-шарои*» номли асарни зикр этган бўлса-да, бу асар ҳанузгача топилмаган.

«Бадоиъ ас-саноиъ» илк бор етти жилдда Миср пойтахти Қоҳирада 1327/1910 йили нашр этилган. Асар ҳозиргача қайта нашр этиб келинмоқда. Жумладан, 1982 ва 1986 йилларда Байрутнинг «Дор кутуб ал-илмия» нашриётида етти жилдда, 1997 йилда Шайх Муҳаммад Али Муъаввиз ва Шайх Одил Аҳмад Абдулмавжуд-

нинг таҳрири остида етти жилдда, 2003 йилда ўн жилдда мазкур нашриётда чоп этилди. Охириги нашр тўлиқ ва гўзал шаклда амалга оширилган.

«Бадоиъ ас-саноиъ»дан асрлар давомида бутун мусулмон оламида, хусусан Мовароуннаҳрда ҳанафийликнинг бирламчи манбаси сифатида фойдаланиб келинган. Муфтийлар, қозилар ундаги фикҳий масалалар асосида фатво ва ҳукмлар чиқарганлар.

Фақиҳлар доимо мазкур асарни мустақил тарзда ўрганганлар. Шунингдек, нуфузли мадрасаларда фикҳ фанидан дарслик сифатида талабаларга ўқитилгани ҳам манбаларда зикр қилинган. Жумладан, XX асрнинг бошларида яшаган машҳур фақиҳ, «Шарҳу қоваидил-фикҳийя» асарининг муаллифи Аҳмад Зарқо (1868 – 1938)нинг таржимаи ҳолида келтирилишича, у мазкур мўътабар манбани устозлар ҳузурида тўлиқ ўқиб, ижозат олган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, «Бадоиъ ас-саноиъ фи тартибиш-шароиъ» китоби ҳанафийлик мазҳабининг энг эътиборли фикҳий манбасидир. Асарда кўтарилган мавзу ва масалалар бугунги кунда ҳам долзарб аҳамиятга эга. Уларни чуқур ўрганиш ҳозирги кунимиздаги оилавий, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги кўпгина масалаларга ижобий ечим бўлишига шубҳа йўқ.